

“Оқ олтин-2020”

Ўтган кунни пахтабодлик миришкорлар биринчи бўлиб шартнома режасини бажаришди. Кеча эса Булоқбоши ва Марҳамат туманларида ҳам шартнома режалари уддаланди. **4-саҳифа ▶**



Қишлоқ хўжалиги

Қорақалпоғистон Республикасининг Нукус тумани мева-сабзавотчиликка ихтисослаштирилади **8-саҳифа ▶**



Qishloq hayoti

O'zbekiston Respublikasi ijtimoiy-iqtisodiy gazetasi

2020-yil 8-oktabr, payshanba 52-53 (9089-9090)-sonlar

e-mail: info@qishloqhayoti.uz



“ЁШЛАР – КЕЛАЖАГИМИЗ” ТАШАББУСКОР ЁШЛАРГА ҚАНОТ

Самарқанд туманидаги “Classik Оуна” масъулияти чекланган жамияти ўтган 2019 йилда ёш тadbirkор Парвиз Расулов томонидан ташкил этилган. Tadbirkор “Ёшлар - келажакимиз” жамғармасининг 650 миллион сўм кредит маблағи асосида ўз бизнесини йўлга қўйган эди.

– Корхонамизда 3D форматда ойналарга ишлов бериб, уларга гул босамиз, – дейди “Classik Оуна” масъулияти чекланган жамияти раҳбари Парвиз Расулов. – Бунинг учун Россиядан замонавий ускуналар келтирилган. Айти пайтда маҳаллий мебель ишлаб

чиқарувчилар билан ҳамкорликда фаолият олиб бора-япмиз. Ўнта иш ўрни яратилган. Келгусида маҳсулот экспортини амалга оширишни режалаштирганмиз.

Алишер ИСРОИЛОВ (ЎЗА)
олган сурат.

ҚИЙНОҚЛАРНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ МАСАЛАСИ МУҲОКАМАДА

Парламент қуйи палатасида “Миллий превентив механизм доирасида қийноқларнинг олдини олиш бўйича ҳуқуқий базани такомиллаштиришда парламентнинг роли” мавзусида халқаро онлайн-семинар бўлиб ўтди.

Тadbир Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази томонидан Парламентлараро Иттифоқ, Ўзбекистон Республикасининг Женева шаҳридаги БМТ бўлинмаси, ЕХҚТнинг Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси, БМТнинг Ўзбекистондаги доимий ваколатхонаси, ЕХҚТнинг Ўзбекистондаги лойиҳалари координатори билан ҳамкорликда ўтказилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикерининг биринчи ўринбосари Акмал Саидов иштирок этди.

(Давоми 2-саҳифада)

ЗАМОН ТАЛАБЛАРИ АСОСИДА

“Навоий ҳудудий электр тармоқлари корхонаси” акциядорлик жамиятида иқтисодий самарадорликни ошириш ҳамда ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳаларини маҳаллийлаштириш мақсадида металл конструкциялар тайёрлаш цехи фаолияти йўлга қўйилган.

Мазкур цехда электр тармоқлари тизими иш жараёнида кенг фойдаланиладиган ускуналар, яъни ОГ-1, ОГ-2, М-1, М-3 ва бошқа турдаги темир қурилмалар тайёрлаб келинади.

Таъкидлаш керакки, ўтган 2019 йил давомида МК-12 “Ўз КЭК” АЖга металл конструкция ишланмаларини тайёрлаб бериш учун материал ва бажарилган ишларга “Навоий ҳудудий электр тармоқлари корхонаси” АЖ томонидан 3,7 миллиард сўм маблағ тўлаб берилган. Шу йил электр тармоқларини ривожлантириш хиз-

мати таркибида ташкил этилган мазкур цехга 2,6 миллиард сўмлик маблағ ажратилган. Натижада корхона томонидан 1,1 миллиард сўм миқдоридаги маблағ иқтисод қилинади. Қолаверса, бу корхонага янги иш ўрни яратиш имконини берди.

Мамлакатимизда маҳаллийлаштириш натижасида электр энергетикаси ҳам замон талаблари асосида ривожланиб, мамлакат иқтисодиёти ва аҳоли фаровонлигини оширишга хизмат қилмоқда.

Сирож АСЛОНОВ (ЎЗА) олган сурат.



ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ РОССИЯ ПРЕЗИДЕНТИ БИЛАН ТЕЛЕФОН ОРҚАЛИ МУЛОҚОТИ ТЎҒРИСИДА

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев
7 октябрь куни Россия Федерацияси Президенти
Владимир Путин билан телефон орқали мулоқот қилди.**

Сухбат аввалида давлатимиз раҳбари Россия етакчисини таваллуд куни билан самимий муборакбод этиб, унга мустақкам соғлик, бахт-саодат ва муваффақиятлар, дўст Россия халқига эса тинчлик-осойишталик ва равнақ тилади.

Мулоқот чоғида Ўзбекистон – Россия стратегик шериклик ва иттифоқчилик муносабатларини янада мустақкамлашнинг долзарб масалалари кўриб чиқилди, халқаро ва минтақавий кун тартиби юзасидан фикр алмашилди.

Жорий йил июль ойида Москва шаҳридаги учрашув чоғида эришилган келишувларга мувофиқ бўлажак олий даражадаги мулоқотларга тайёргарлик кўриш бўйича биргаликдаги фаол ишларни давом эттиришга алоҳида эътибор қаратилди.

Пандемия оқибатларига қарамай, ўзаро ташрифлар амалга оширилаётгани, Ўзбекистон билан Россиянинг етакчи компания ва корхоналари ўртасидаги инвестициявий ҳамкорлик кўлами ва товар айирбошлаш ҳажми кенгайиб бораётгани мамнуният билан қайд этилди. Таълим ва маданий алма-

шинувга доир муҳим дастурлар амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон Президенти कोरोनाвирусга қарши курашишда кўрсатилган амалий ёрдам, жумладан, Россиядан врач ва мутахассисларнинг катта гуруҳи юртимизга жўнатилгани учун самимий миннатдорлик билдирди.

Давлат раҳбарлари икки мамлакат вазирлик ва идоралари даражасида, шу жумладан, жорий ойда бўлиб ўтадиган Ҳукуматлараро комиссиянинг навбатдаги мажлиси доирасида яқиндан мувофиқлашув ва ҳамкорликни давом эттириш муҳимлигини таъкидладилар.

Бунда, аввало, кўп қиррали муносабатларнинг устувор дастур ва лойиҳаларини, бизнес ва ҳудудлар кооперациясини кучайтириш бўйича узоқ муддатли «йўл харитаси» тайёрлашни жадаллаштириш назарда тутилди.

Давлат раҳбарлари, шунингдек, минтақада юзага келаётган вазиятни муҳофаза қилдиладилар, бўлажак тадбирлар режасини кўриб чиқдилар.

Сухбат ҳар доимгидек самимий ва дўстона руҳда ўтди.

ЎЗА

ТОЖИКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ БИЛАН ТЕЛЕФОН ОРҚАЛИ МУЛОҚОТ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев
7 октябрь куни Тожикистон Республикаси Президенти
Эмомали Раҳмон билан телефон орқали мулоқот қилди.**

Сухбат чоғида икки мамлакат ҳамкорлигининг долзарб масалалари муҳофаза қилинди. Минтақадаги вазият юзасидан фикр алмашилди, бўлажак олий даражадаги учрашувлар режаси кўриб чиқилди.

Давлат раҳбарлари Ўзбекистон

ЎЗА

ЎЗБЕКИСТОН ВА ҚОЗОҒИСТОН ПРЕЗИДЕНТЛАРИНИНГ ТЕЛЕФОН ОРҚАЛИ МУЛОҚОТИ

**7 октябрь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти
Шавкат Мирзиёев ва Қозоғистон Республикаси
Президенти Қосим-Жомарт Тоқаевнинг телефон орқали
мулоқоти бўлиб ўтди.**

Давлат раҳбарлари кўп асрлик дўстлик ва яхши қўшничилик ришталари, ишонч ва стратегик шериклик тамойилларига асосланган икки томонлама муносабатларнинг ҳолати ва уларни янада ривожлантириш истиқболларини муҳофаза қилдилар.

Коронавирус тарқалиши оқибатларини тез фурсатда енгиб ўтиш мақсадида Ўзбекистон ва Қозоғистон ҳукуматлари даражасида яқиндан мувофиқлашув ва фаол алмашинувлар амалга оширилаётгани мамнуният билан қайд этилди.

Товар айирбошлаш кўрсаткичларини оширишга қаратилган қўшма

дастур ва лойиҳаларни илгари суриш, тадбиркорлар ва ҳудудларнинг янги ташаббусларини қўллаб-қувватлаш орқали кооперацияни кенгайтириш, шунингдек, маданий-гуманитар тадбирлар ўтказишга алоҳида эътибор қаратилди.

Минтақадаги воқеалар ривож

юзасидан ҳам фикр алмашилди.

Ўзбекистон ва Қозоғистон Президентлари Қирғизистондаги вазият ушбу мамлакат Конституцияси ва миллий қонунчилиги нормаларига мувофиқ тез фурсатда барқарорлашишига умид билдирдилар.

ЎЗА

ТОҒЛИ ҚОРАБОҒДАГИ ВАЗИЯТ ЮЗАСИДАН БРИФИНГ

**Озарбайжон Республикасининг Ўзбекистондаги элчихонасида 7 октябрь куни
Озарбайжон ва Арманистон ўртасида юзага келган келишмовчиликлар
муносабати билан брифинг ташкил этилди.**

Маълумки, тан олинмаган Тоғли Қорабоғ Республикаси ҳудуди бўйича икки мамлакат ўртасидаги баҳсли низо кўп йиллардан бери давом этиб келяпти. Жаҳон ҳамжамиятининг можарони тинч йўл билан бартараф этиш йўлидаги саъй-ҳаракатларига қарамасдан, ҳануз ҳал этилмаган муаммоли вазият жорий йил июль ойида қайтадан гасак олди.

Шу давр ичида Озарбайжон – Арманистон нисоси жараёнида бир неча бор қуролли тўқнашувлар кузатилди, нафақат ҳарбий хизматчилар, балки ҳар икки томон тинч аҳоли вакиллари ҳам қурбонлар берилди.

Мазкур қуролли можарога нисбатан жаҳон тинчликсевар ҳамжамия

яти доимий равишда ўз муносабатини билдириб келмоқда.

Хусусан, БМТ Бош котиби Антониу Гутерриш яқинда Озарбайжон Президенти Илҳом Алиев ва Арманистон Бош вазири Никол Пашинянга мурожаат қилиб, зудлик билан ўт очишни тўхтатиш ва Минск келишув шартларида музокара бошлашга чақирди. Шунингдек, у минтақага тезда ЕХХТ кузатувчиларини юбориш лозимлигини таъкидлади.

Туркий кенгаш Бош котиби Бағдад Амреев ҳам ушбу воқеаларга нисбатан ўз фикрини баён этди. Баёнотда ушбу тузилма халқаро ҳуқуқ меъёрлари ва тамойилларига ҳамиша содиқ экани таъкидланиб, можаро тез орада ҳал этилишига

умид билдирилди.

Табийки, Ўзбекистон ҳам қардош Озарбайжон ва МДХ бўйича ҳамкоримиз Арманистон халқлари тақдирига бефарқ бўлмаган.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг шу муносабат билан берган баёнотида, жумладан, шундай дейилади: “Озарбайжон Республикаси ва Арманистон Республикаси муносабатларидаги кескинликнинг ошиши Ўзбекистон Республикасида жиддий ташвиш уйғотмоқда. Ўзбекистон Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигида раислик қилаётган давлат сифатида МДХ ҳудудиди дўстлик, яхши қўшничилик муносабатлари ва ўзаро ишонч мустақамланиши, баҳсли масалалар

**Ғ.ХОННАЗАРОВ,
ЎЗА мухбири.**

ҚИЙНОҚЛАРНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ МАСАЛАСИ МУҲОКАМАДА

(Боши 1-саҳифада)

Ўзбекистон Республикаси БМТнинг Қийноқларга қарши Конвенциясини 1995 йилда ратификация қилган. Инсон ҳуқуқ ва эркинликлар соҳасида, шу жумладан, қийноқларга йўл қўймаслик ва тарқалишининг олдини олиш учун зарур ташкилий-ҳуқуқий шарт-шароитларни яратиш соҳасида ўз халқаро мажбуриятларини бажаришни ташкил этиш тизимини такомиллаштириш бўйича босқичма-босқич чора-тадбирларни амалга ошириб бормоқда.

Айниқса, Ўзбекистон Республикаси Президентининг хорижий экспертлар томонидан жазони ижро этиш муасасаларида жазо муддатини ўтаётган, қамоққа олинган, шунингдек, маъмурий қамоқ жазосини ўтаётган шахслар ҳуқуқлари ҳамда эркинликларини ташкилий-ҳуқуқий таъминлаш бўйича комплекс норматив ҳужжатларни ишлаб

чиқиш ва амалга оширишга замин яратган “Суд-тергов фаолиятида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини кафолатларини кучайтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармони аҳамияти алоҳида қайд этилди.

Бугунги кунда Ўзбекистон ўз халқаро мажбуриятларини бажариш доирасида БМТнинг Қийноқларга қарши кўмитасига бешта маъруза тақдим этди. 2019 йил ноябрь ойида Ўзбекистон Республикаси делегацияси БМТ кўмитасининг қийноқларга қарши 68-сессияси ишида иштирок этди. Унда БМТнинг Қийноқларга қарши Конвенцияси қоидаларини бажариш бўйича Ўзбекистоннинг бешинчи даврий маърузаси кўриб чиқилиб, кўмитанинг яқиний хулосаси ва тавсиялар берилди.

Шу билан биргаликда, БМТнинг Миллий превентив механизми ривожлантиришга оид халқаро ҳужжатлари-

нинг хорижий мамлакатлар амалиётидаги ижросининг ташкилий-ҳуқуқий жиҳатларини умумлаштириш ва иштирокчи давлатларнинг ваколатли идоралари томонидан қийноқларга солиш ҳамда муомалада бўлиш ва жазоланишнинг бошқа шартлари, айриинсоний ёки кадр-қимматли таҳқирловчи турларнинг олдини олиш бўйича чора-тадбирларни назарда тутувчи миллий превентив механизм вазифасини амалга ошириш тизимини такомиллаштириш муҳимлиги қайд этилди.

Шунингдек, семинар давомида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан Инсон ҳуқуқлари бўйича Миллий стратегия доирасида инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини кафолатлаш, қийноқларнинг олдини олиш соҳасида қонунчилик ижросини таъминлаш бўйича таъсирчан парламент, депутатлик ва жамоатчилик назорати-

ни фаол амалга оширишга қаратилган чора-тадбирлар мажмуини бажарилаётгани таъкидланди.

Семинар иштирокчилари, хусусан, халқаро экспертлар томонидан процессуал қонунчиликни бузган тақдирда, шу жумладан, қийноқлар ёки психологик ва жисмоний босимни қўллаш орқали олинган далиллардан фойдаланишни тақиқлаш, далилларни сохташтирганлик учун жиноий жавобгарлик белгилаш, “Хабес корпус” институтини қўллаш кўламини кенгайтириш, тергов устидан суд назоратини кучайтириш, қийноқлар олдини олиш бўйича Миллий превентив механизм яратиш, гендер тенглиги ва аёлларга нисбатан зўравонликка қарши қонунларни қабул қилинган ижобий баҳоланди.

Тадбир давомида халқаро экспертлар Ўзбекистон томони билан амалий ҳамкорликни давом эттиришга тайёр эканини билдирди. Хусусан, хорижий тажрибани ҳисобга олган ҳолда қийноқларнинг олдини олиш бўйича ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг фаолиятини такомиллаштириш муҳим аҳамият касб этади.

**Нурилло НАСРИЕВ,
ЎЗА мухбири.**

КАСАБА УЮШМАЛАРИ ВА НОСТАНДАРТ БАНДЛИК

**Ўзбекистон касаба уюшмалари федерацияси томонидан 7 октябрь –
Жаҳон муносиб меҳнат кунига бағишланган “Касаба уюшмалари ва ностандарт
бандлик” мавзuida вебинар ўтказилди.**

Видеоконференция шаклида ўтказилган тадбирда Олий Мажлис Сенати, Қонунчилик палатасининг Меҳнат ва ижтимоий ҳимояга муҳтож шахсларнинг яшаш шароитини яхшилаш, камбағалликни қисқартириш бўйича кенг кўламли саъй-ҳаракатлар амалга оширилмоқда.

Маълумки, Халқаро меҳнат ташкилоти томонидан ишлаб чиқилган Муносиб меҳнат концепциясига мувофиқ, самарали бандлик ва муносиб меҳнат – адолатли глобаллашувга эришиш, камбағаллик кўламини қисқартириш ҳамда барқарор ривожланишни таъминлаш йўлидаги ҳал қилувчи омил ҳисобланади.

Шу маънода мамлакатимизда инсон манфаатларини таъминлаш йўлида олиб борилаётган кенг қамровли ислохотлар ва уларнинг натижалари муносиб меҳнат соҳасидаги халқаро меъёрларига мос келишини алоҳида таъкидлаш зарур.

Муносиб меҳнат концепцияси меҳнат соҳасидаги ҳуқуқларни рўёбга чиқариш, бандлик ва даромад олиш имкониятларини кенгайтириш, ижтимоий ҳимоя тизимларини такомиллаштириш ҳамда ижтимоий мулоқотни мустақкамлаш каби тўртта муҳим стратегик мақсадга таянади. Бундай ёндашувнинг ҳуқуқий негизи сифатида Халқаро меҳнат ташкилотининг 8 та конвенцияси мавжуд, улар болалар меҳнати ва мажбурий меҳнатга барҳам бериш, меҳнат соҳасида камситишларга йўл қўймаслик, бир хил меҳнат учун хотин-қизлар ва эркекларга тенг ҳақ тўлаш, касаба уюшмаларига бирлашиш ва жамоа музокараларини олиб бориш эркинлиги масалаларини қамраб олган.

Ушбу концепциядан келиб чиққан ҳолда, муносиб меҳнатнинг барқарор бандлики таъминлаш, соҳада камситишларга барҳам беришга алоҳида эътибор қаратиш, ҳар бир меҳнаткаш билан меҳнат шартномаси тузилишига эришиш, ходимга унинг ўзи ва оиласи учун етарли миқдорда иш ҳақи тўлаш, кулай ва хавфсиз меҳнат шароити яратиш, ижтимоий суғурта ва ижтимоий ҳимоянинг самарали тизимларини ривожлантириш, меҳнаткашлар учун касаба уюшмаларига бирлашиш, жамоа музокараларини юритиш ва жамоа шартномаларини тузиш ҳуқуқини таъминлаш, мажбурий ва болалар меҳнатининг барча қиринишларини йўқ қилиш каби жиҳатлари ўта муҳим ҳисобланади.

Ўзбекистонда давлат органлари ва иш берувчилар бирлашмалари муносиб меҳнатни жорий этишга тайёрлигини намоён қилиб, касаба уюшмалари билан ҳамкорлик қилмоқда. Ҳукумат, касаба уюшмалари ва иш берувчилар бирлашмалари ўртасида имзоланган бош келишув, мамлакатда амал қилаётган 107 та тармок келишуви, 14 та ҳудудий келишув ва 111 мингдан ортиқ жамоа шартномалари бундай конструктив ҳамжиҳатликнинг асоси бўлиб хизмат қилмоқда.

Жорий йил Жаҳон муносиб меҳнат кунини нишонлаш тадбирлари дунё иқтисодиётига мисли кўрилмаган даражада талафот етказган, меҳнат муносабатлари ва ижтимоий соҳани ларзага солган COVID-19 пандемияси шароитида ўтмоқда. Ушбу инқироз оқибатида дунё бўйлаб 400 миллион

иш ўрни йўқотилиши, оқибатда миллионлаб меҳнаткашлар камбағал бўлиб қолиши хавфи мавжуд. Бундай шароитда дунё миқёсида касаба уюшмалари хавфсиз бандлик ва даромадларнинг муносиб даражаси таъминланиши, ижтимоий ҳимоя чоралари кучайтирилиши, ходимлар ва касаба уюшмаларининг асосий ҳуқуқлари ҳурмат қилиниши, самарали ва ҳаммабоб соғлиқни сақлаш тизимлари яратилиши, ижтимоий мулоқот қўллаб-қувватланиши, халқаро меҳнат меъёрларига риоя этилиши масалаларида ҳукуматларга кўмаклашмоғи лозим.

Вебинарда пандемия келтириб чиқарган қийинчиликлардан биринчи галда норасмий ва ностандарт банд ходимлар ҳамда таъкидланганлари азият чекиши таъкидланди, ушбу вазиятни ҳисобга олган ҳолда ностандарт бандлик турлари ва унинг ўзига хос хусусияти, мавсумий ва бошқа ностандарт бандлик шаклларига татбиқ этиладиган халқаро меҳнат стандартлари, пахта теримчилари ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва манфаатларини ифода этишда касаба уюшмалари томонидан амалга оширилаётган ишлар муҳофаза этилди.

Жамоавий меҳнат низоларини ҳал этиш, барча иш жойларида бирлашиш эркинлиги ва жамоа музокаралари ҳуқуқини бериш, “ноль жароҳатланиш” концепциясини илгари суриш, тенг қийматга эга меҳнат учун эркеклар ва аёлларга тенг ҳақ тўлаш тамойилини самарали амалга ошириш, ходимлар иш вақти ва дам олиш вақти меъёрларига сўзсиз риоя этиш каби йўналишлардаги ишларни янада такомиллаштириш масалалари вебинарнинг асосий мавзуларидан бўлди.

**С.РАҲИМОВ,
ЎЗА мухбири.**

Андижон вилояти

Пахтаободликлар 6481 гектар майдонга чигит экишди ва барвақт текис кўчат яратишга муваффақ бўлишди. Йиғим-теримга қадар давом этган ғўза парвариши натижасида режадан зиёда даражада ҳосил яратилдики, йиғирма иш кунида 20500 тоннадан зиёд пахта териб олинди ва буюртмачига етказиб берилди. Ҳосилдорлик гектар ҳисобига 31,6 центнерга тўғри келди. Энг муҳими, ҳосилнинг юз фоизи юқори навга мансуб бўлди.



МАВСУМ ҚАҲРАМОНЛАРИ

ИЛҒОРЛАР САФИ КЕНГАЙМОҚДА

Ўтган куни пахтаободлик миришкорлар биринчи бўлиб шартнома режасини бажаришди. Кеча эса Булоқбоши ва Марҳамат туманларида ҳам шартнома режалари урданди.

Миришкор деҳқонларга бой бўлган Пахтаободда олди фермерлар ҳосилдорликни 45-46,6 центнерга етказишиб, деҳқончиликда имкониятлар мавжудлигини амалда исботлаб беришди. Жумладан, Бакирали Раҳмонов, Ёдгорбек Ибрагимов, Маҳкамжон Алижонов, Авазбек Исомиддинов каби фермерлар барча ҳамкасбларига ўрнак бўлишдики, туманда ташаббускорлик кенг қулоч ёйди.

– Жорий йил деҳқончилиги енгил ўтмаяпти, – дейди туман ҳокимининг аграр масалалар бўйича

ўринбосари Ғайратбек Раҳимов. – Анча майдонга чигит экилган бир паллада эндигина тупроқни кўтариб бўй кўрсатган ниҳоллар совуққа дош беролмади. Қайта чигит экишга тўғри келди. Сув танқислиги юз бериши оқибатида навбатлаб суғориш усули жорий қилинди. Қўйингки деҳқоннинг ҳар куни синовда бўлди. Ана шу синовлардан мардона ўтган фермерларимиз ҳосилдорликни янада ошириш мақсадида астойдил меҳнат қилишмоқда.

Тоғ олди ҳудудидида жойлашган

Булоқбоши туманида ҳам пахта тайёрлаш бўйича аҳдлашув барвақт ўз ижросини топди. Туманда 9700 тоннадан мўлроқ пахта тайёрланиб, дастлабки доvon эгалланди. Ҳосилдорлик 34,3 центнердан ошди. Ҳозиргача олтишдан зиёд фермер хўжалигида режа бажарилиши юқори даражада бўлди. Шулардан йиғирматасида ҳосилдорлик 40 центнердан ортди.

Адир ҳудудидида деҳқончилик қилаётган Абдухўшим Нурматов раҳбарлигидаги фермер хўжалиги деҳқонлари Булоқбошида эмас,

ҳатто вилоят миқёсида ҳам ҳосилдорлик борасида энг юқори натижага эришдилар. Бу хўжалиқда ҳар гектар ердан 52,6 центнердан пахта териб олинди. Фермернинг айтишича, томчилатиб суғориш усулининг жорий этилгани ютуқлар гарови бўлди. 25,3 гектар майдонда жорий этилган илғор технология боис ҳар гектар ердан 56 центнердан ҳосил олинди. “Булоқбошилик агроном Азимжон” фермер хўжалигида ҳам айна томчилатиб суғориш усули қўлланилиши орқали юқори ҳосилдорлик сари интилиш рўёбга чиқди.

Марҳаматлик фермерлар анча йиллардан буён бу мавсумдагидек кўтаринчиликни кўришмаган эди. Сув танқислиги борасида қатор қийинчиликларга дуч келган фермерлар вазиятни юмшатиш йўлида вақт билан ҳисоблашмаган ҳолда меҳнат қилишди. Қилинган меҳнатлар эса олтин кузда ёрқинроқ намоён бўлди. 16250 тонна ҳосил жамағарилди ва шартнома шarti ҳар қачонгидан кўра эрта-роқ урданди. Ҳосилдорлик сўнги йилларда илк бор 33 центнерга тўғри келди.

“Азим Карим орзуси”, “Бобохўросон пахтаси”, “Ойдин йўл”, “Феруз” фермер хўжаликларидида кўлга киритилган ютуқлар эътиборга лойиқ. 40 центнерчилар сафи ортган сари туманининг пахта хирмони янада юксалиши аниқ. Ҳали иккинчи терим навбатда турибди.

Қобилжон АСҚАРОВ,
“Qishloq hayoti” мухбири.

ҲАР ЧАНОҚДА ҲОСИЛ БАРАКАСИ БОР

Бугун Андижон вилоятининг Бўстон туманида фаолият юритаётган “Сайёра Фаввораси” хусусий корхонаси пахта тўқимачилик ишлаб чиқариш кластери тасарруфидаги дала майдонларида ҳам пахта йиғим-терими жадаллик билан олиб бориляпти.

Бу борада қишлоқ хўжалик кластеридида ташкил этилган 15 та терим отрядига тажрибали қишлоқ хўжалиги мутахассислари бириктирилган бўлиб, йиғим-терим ишларининг сифатли бажарилиши

таъминляптилар. Бундан ташқари, ушбу мавсумда кластер тасарруфидаги 33 та бўлим аъзолари билан бирга маҳаллалардаги уюшмаган аҳоли вакилларидан 2200 нафардан ортиқ теримчилар кўнгилли равишда иштирок этмоқдалар. Кластер корхонаси томонидан пахта хирмонини юксалтиришда қатнашаётган ана шундай ҳашарчи теримчиларга йиғим-терим жараёнларида зарур бўлган барча шарт-шароитлар яратилган. Муносиб меҳнат шароитларидан хурсанд теримчилар эса салмоқли килограмларда пахта териб “илғор теримчилар” сафидан юй олмоқдалар.

– Ҳар бир туп ғўза ниҳолининг

пахта бўлиб етилгунча жиддий назоратимизда бўлган, – дейди пахта тўқимачилик ишлаб чиқариш кластери раҳбари Баҳодиржон Қодиров. – Астойдил ҳаракатларимиз натижаси бугун пахта хирмонимиз юксалаётганида кўриняпти. Бу эса бизни янги марралар сари руҳлантиряпти.


Айни пайтда қишлоқ хўжалик кластерининг умумий пахта майдони 1 минг 86 гектарни ташкил қилади. Кластер корхонаси пахта хирмонининг бунёд этилишида 28, 24 бўлимларнинг алоҳида ҳиссасини таъкидлаш жоиз. Боиси, мазкур бўлимларнинг бошлиқлари Лолахон Бойназарова, Адҳамжон Иномжоновларнинг йиғим-терим

ишларини уюшқоқлик билан ташкил этганликлари тарози палласида “оқ олтин” салмоғида кўринди. Ҳали далаларда биринчи терим ҳосили мўл. Шу боис ҳозирда бугунгидек кўшли кунлардан унумли фойдаланиб, ҳар бир чаноқдаги пахтани эътибордан четда қолдирмай, сўнги мисқолигача йиғиб-териб олишга ҳаракат қилинмоқда.

Дарҳақиқат, пахта фаровонлик омили. Бу тушунчани қалбдан англаганлар эса аллақачон пахтазорда бўлиб нафақат мамлакат, балки ўзи ва оиласи фаровонлиги йўлида пахта йиғим-теримида иштирок этиляптилар ва пахта хирмони юксалишига ҳисса қўшяптилар.

Илҳомжон ТОЖИБОЕВ

ЖИЗЗАХДА ЯНГИ ЗАВОД



“Жиззах” эркин иқтисодий зонасида “Оптик толали алоқа кабелларини ишлаб чиқаришни ташкиллаштириш” лойиҳаси доирасида “Global Optical Communication Uzbekistan” (“GOC-UZ”) МЧЖ Қўшма корхонасининг янги ишлаб чиқариш ҳудудидида пойдевор қўйиш маросими бўлиб ўтди.

ҚУРИЛИШИ БОШЛАНДИ

Тадбирда Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазири ўринбосари Жамол Махсудов, Жиззах вилояти ҳокими Эргаш Солиев, “Жиззах” ЭИЗ вакиллари, “GOC-UZ” ҚК хорижий инвесторлари, “Ўзбектелеком” АК вакиллари, “GOC-UZ” ҚК раҳбарияти ва ходимлари, қурилиш ташкилоти раҳбарияти ва ходимлари, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этдилар.


Оптик толали кабеллар ишлаб чиқаришга ихтисослашган “Global Optical Communication Uzbekistan” МЧЖ Қўшма корхонасида 2019 йил асос солинган. Ишлаб чиқарувчи корхона “Жиззах” ЭИЗда “Ўзбектелеком” АК ва Жанубий Кореянинг хорижий инвесторлари: “Global Optical Communication Co. Ltd.” ва “Uni Asset Global Co. Ltd.” компаниялари билан биргаликда ташкил этилган. Ишлаб чиқариш қуввати йилга 50 минг км.гача оптик толали алоқа кабелларини ташкил этади.

Қўшма корхонанинг устав капитали 11 миллион АҚШ долларини ташкил этади, шу жумладан: Жанубий Кореянинг компаниялари (55%) – 6 050 000 АҚШ доллари (ишлаб чиқариш ускуналари, материаллар, айланма маблағлар); “Ўзбектелеком” АК (45%) – 4 950 000 АҚШ доллари (бино ва иншоотлар).

2020 йилда биринчи босқичда “Global Optical Communication Uzbekistan” ҚКнинг “Жиззах” ЭИЗдаги мавжуд биносидида Корея, Япония ва Хитой компанияларининг замонавий ускуналари ўрнатилган бўлиб, тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқарилмоқда ва ҳозирги кунда ушбу заводда корейлик мутахассислар фаолият юритаётмоқдалар.

Мавжуд ишлаб чиқариш қувватларида 2020 йилда корхона 10 минг км. узунликдаги оптик толали алоқа кабелларини ишлаб чиқаради. Янги қўшма корхона бугунги кунда 58 та янги иш ўрни яратди.

Иккинчи босқичда 4,5 гектар янги қурилган ишлаб чиқариш майдониди



2021 йилдан бошлаб 50 минг км.гача оптик кабелларни ишлаб чиқариш режалаштирилган. 100 та янги иш ўринлари яратилади. Ишлаб чиқариш ривожланиб бориши билан янги иш ўринлари сони 300 тагача оширилиши режалаштирилган.

“Жиззах” ЭИЗда “Оптик толали алоқа кабелларини ишлаб чиқаришни ташкиллаштириш” лойиҳа-

сининг иккинчи босқичини амалга ошириш доирасида “Global Optical Communication Uzbekistan” (“GOC-UZ”) МЧЖ ҚК), янги биноларини қуриш учун Корея Республикасининг “EXIMbank”идан 3,6 миллион АҚШ доллари миқдоридида кредит маблағлари жалб қилинди. Қурилиш 2021 йилнинг биринчи чорағидида якунланиши режалаштирилган.



“GOC-UZ” ҚК янги ишлаб чиқариш линияси фойдаланишга топширилгандан сўнг, корхона Ўзбекистон телекоммуникация тармоқлари учун ҳам, экспорт учун ҳам 50 минг км, гача оптик толали алоқа линияларини ишлаб чиқаради.

Биринчи босқичда ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш даражаси 32 фоизни, иккинчи босқичда эса 60 фоизгачани ташкил қилади.

Ўзбекистоннинг рақамли иқтисодиётини ривожлантириш учун замонавий юқори тезликдаги ва ишончли телекоммуникация тармоғи зарур. Бугунги кунда Ўзбекистон мис алоқа линияларидан оптик толали алоқа линияларига фаол тарзда ўтмоқда ва бу телекоммуникация тармоқларининг ишончилиги ва тезкор сифатини оширади.

Жорий йилда фақатгина оптик толали алоқа қамровини кенгайтириш лойиҳаси доирасида мамлакатнинг барча ҳудудларида 26,5 минг километрга яқин оптик толали алоқа линиялари тортилди. Бугунги кунда оптик толали алоқа линияларининг умумий узунлиги 61 минг километрдан ошди.

“GOC-UZ” янги ишлаб чиқариш корхонаси нафақат Ўзбекистон телекоммуникация инфратузилмасини авваллари хорижий валютага сотиб олинган маҳсулотлар билан таъминлаш масалаларини ҳал этибгина қолмай, балки 100 нафаргача кишини, шу жумладан, Жиззах шаҳридаги касб-хунар коллежлари битирувчиларини ҳам иш билан таъминлайди.

Ўз мухбиримиз.

РИШТОНЛИК ПАХТАКОРЛАР

УЛАР БУГУН МЕХНАТЛАРИНИНГ РОҶАТИНИ КЎРАЯПТИЛАР

Фарғона вилоятида бир неча йилдан бери пахтачиликда илғор тажрибалар ва инновацион ғоялар асосида иш олиб борилаётгани ва кластер усулига ўтилгани туфайли пахта тайёрлаш режаси барвақт удаланадиган бўлиб қолди. Бу йил ҳам вилоят деҳқонлари қўшни ҳудуд деҳқонларига қараганда олдинроқда бораётирки, бунинг боиси юқорида таъкидлаганимиздек, янгилликларнинг далачиликка дадил жорий қилинаётгани ва юксак уюшқоқлик кўрсатилаётганидир.



Вилоятда биринчи учта туман бирин-кетин зафар маррасини эгаллади. Улар Бувайда, Риштон, Учкўприк туманларидир. Улар орасида Риштон тумани пахтакорлари эришган ютуққа алоҳида тўхталиб ўтмоқчимиз.

– Туманимиз вилоятда биринчилардан бўлиб пахтачиликда кластер усулини қўллаган 2018 йили республикада биринчи бўлиб шартнома режасини бажарган эди, – дейди туман ҳокими Суфхонжон Солиев. – Ўшанда фермерлар ўғитдан, сувдан биринчи марта қийнамай, бемалол ғўза парваршини ўтказишганди. Теримчиларга кластер бошқалардан кўп ҳақ тўлагани ҳам яхши самара берди. Кейинги йили ҳам бу ютуқ такрорланди, мана бу йилгиси ҳам ўша эришган зафарларимизнинг давомидир. Бу албатта оддий сувчилар, механизаторлар, дала меҳнатчиларининг ютуғи. Бизда ҳали ҳам пахта режасини бажариб қўйишдан ғурурланиш, шодланиш одати давом этмоқда. Фермерлар меҳнат ютуғига эришган кунни ўз ишчиларини совғалар, мукофотлар билан сийлашди. Биз ҳам қараб турганимиз йўқ. Меҳнат аҳлини муносиб равишда тақдирладик.

Пахтачиликда ўзига ҳос мактаб яратган риштонлик пахтакорлар ўн ойлик меҳнат самарасини нишонлашди. Улар бугунгача 17 000 тонналик хирмон уйдилар.

Бу йил сув танқислигининг олдини олиш борасида қатор тадбирлар амалга оширилди. Шулардан энг самарали ва сердаромади томчила-тиб сўғоришни жорий қилиш экан. – Пахта экиладиган жами 39,1

гектар ернинг 20 гектарини томчи-латиб сўғориш усулига ўтказдик, – дейди “Замин мавзуни” фермер хўжалиги раҳбари Улуғбек Тоҳиров. – Режа гектаридан 28,8 центнердан эди, бугунгача 33,5 дан олди. Хали далаларимизда ҳосил мўл, яна 9-10 центнердан ҳосил йиғиштириб оламиз, деб мўлжаллаяпмиз. Бунинг устига томчилаб сўғориш усулини жорий қилганимиз учун сарфлаган пулимизнинг 50 фоизгача қисмини давлат ўз зиммасига оляпти. Ер солиғидан 5 йилгача озод қиляпти. Келаси йили сув тежовчи технологияни қолган еримизга ҳам тадбиқ этамиз.

“Шарифжон ўғли Аҳлиддин” фермер хўжалиги 33,5 гектар ернинг 12,5 гектарини томчилаб сўғориш усулига ўтказган эди. Бугунги кунда фермер Шарифжон Тожибоев нега ҳамма пахтазорни сув тежовчи ана шундай технология асосида сўғоришга ўтказмаганидан афсусда. Нега деганда, шу 12,5 гектарнинг ҳар гектаридан ҳозирнинг

ўзида 29 центнер ўрнига 35 центнердан ҳосил олди. Фермернинг айтишича яна гектар бошига 7 центнердан ҳосил олишлари мумкин экан. Даромаднинг эса юқори даражада бўлишига ишончи комил. Пахтачиликда янги ислохотлардан бўлган кластер тизими Риштон туманида жорий этилганидан кейин вилоятнинг яна 9 та тумани шу усулга ўтган эди. Уларда ҳам катта ютуқлар қўлга киритилди. Бу йил теримнинг бориши ўтган йилги эришилган зафарлардан ҳам ўтиб кетиш имконияти борлигини кўрсатмоқда. Риштон туманидаги пахтачиликка ихтисослашган барча фермер хўжаликлари “Русўзбектекст” пахта тўқимачилик кластер корхонаси билан шартнома тузиб, ғўза парваршини тезкор усулда олиб бордилар. Натيجада пахтакорларга яратилган шароит яхшиланди, ҳосилдорлик, шу билан бирга даромад салмоғи кескин ошиши кутилмоқда.

Жорий йил эрта баҳордан 5950 гектар майдонга “Наманган 77” ва

“С-8290” навли чигит уруғини қадаган деҳқонлар ҳар бир агротехник тадбирни ўз вақтида, сифатли ўтказилишини таъминлаб, далаларда кўчатлар тўлиқ бўлишига эришилди. Ер билан тиллашадиган деҳқон ўзи низолатини яганалашга, бегона ўтлардан тозалашга, қатор ораларига ишлов бериш, сўғориш ва озиклантиришга, чилпиш, дефолиация қилиш каби агротехник тадбирларга жиддий эътибор беради. Далаларда мўл ҳосил яратилгани ана шу ишлар самарасидир, дейиш мумкин. Туман бўйича 98 та терим отрядига бирлашган фермер хўжалиги ишчилари, маҳаллаларнинг уюшмаган аҳолиси, фермер хўжалиги аъзоларидан иборат жами 10 000 теримчининг қилган меҳнати самарасидан юксак хирмон уйилди.

– Бу йил сув танқислиги сезилиб, кўпгина майдонларимизда ҳосил яхши бўлмаса керак, деган ҳадик доимо ёдимизда турди, – дейди туман кишлоқ хўжалиги бўлими бошлиғи Муроджон Махмудов. – Аммо сув тизими ходимларининг сайъ-ҳаракатлари зое кетмади. Улар кеча-ю кундўз тиним билишмади. Бизга келаётган сувларнинг деярли асосий қисми Қирғизистон ҳудудидан келади. Ер остидан чиқариладиган сўғорма насослар кучидан ҳам самарали фойдаландик, ҳар қатра сувни исроф қилмаслик учун курашдик. Бунинг учун туман ирригация бўлими, сув истеъмолчилари уюшмаси, насослар бошқармаси жамоаларига ҳар қанча ташаккур айтсак, арзийди.

Ҳамиджон БУРҶОНОВ,
“Qishloq hayoti” мухбири.



Амин Вафоев номи Хоразмдагина эмас, балким бутун республикамизга таниш. Саксон ёшдан ошган бу инсон умрининг 50 йилини вилоят халқ хўжалигини ривожлантиришга сарфлади. 1936 йили Гурлан туманида таваллуд топган Амин Вафоев мактабни томонлагач, отасининг тавсияси билан Хоразмдаги сув хўжалиги техникумига ўқишга кириди. Техникумни тугатган Аминбойни ўша даврда янги очилган Амударё дамбаларини сақлаш бўйича тузилган ташкилотга 19 ёшида раҳбар этиб тайинлашди. 1955-1956 йиллари Амударёни жиловлаш жуда қийин кечган. Чунки дарё жуда ўжар, тўлиб-тошиб, пишқириб оқарди. 1958 йили Амударёдан бир сонияда 12 минг куб сув ўтиб турган.

ЭЛ-ЮРТ ҲУРМАТИНИ ҚОЗОНГАН ИНСОН

У пайтлари Туямўйин сув омбори йўқ. Ҳатто Қорақалпоғистоннинг Беруний ва Хоразмнинг Чолиш посёлкаларини сув босгани тарихдан маълум. Ўша даврларда Амин Вафоевнинг жуда қаттиқ ишлашига тўғри келган. Ёш, навқирон йигит эмасми, жонини жабборга бериб астойдил қилган хизматлари уни элга, раҳбарларга танитди.

Амин Вафоев Амударё қирғоқларини дамбалаш вилоятни сув босиш – дегиш уриб кетишидан сақлаш учун энг хавфли зоналарда туриб тупроқ уйиш, шағал ва қопларда тупроқ билан дамбалаш ишларини олиб боришга бош-қош бўлди. Амударё пишқириб оққан ўша йиллари унинг қирғоғига бориш жуда хавфли эди. Чунки дегиш олганида салкам 50-100 метр балки ундан ҳам чоғроқ майдонни дарёга қўшиб олиб кетарди. Ишлаб турган тракторлар борми, экскаваторлар борми барини дегиш олиб кетарди.

– Бир куни, – дея эслайди ўша даврлари Амин ака хотирлаб. – Биз ишлаб турган ҳудудга дегиш яқинлашаётганини сездим. Тра-

кторчига туш кабинадан, қоч деб қичқирдим. Тракторчи кабинадан тушиб биз томон югуриб келарди. У биз томонга югуриб келгунча дегиш каттагина майдонни дарёга қўшиб олиб кетмоқда эди. Ер ўлирилиб, дарё қирғоғида ўсиб турган дарахт борми, харсанг борми, барини юҳодек, ютарди. Трактор аллақачон дарёнинг ичида юмалаб борар, тракторчи ачиноиб қадрдон “дўст”ини кутқаролмаганидан афсус чекиб, орқасига бир қайрилиб қараган ҳам эдики, дегиш уни ҳам домига тортди. Қўлингни узат, деб бақирдим. Афсус улгура олмай қолдик. Дегиш энди иккаламинизни ҳам олиб кетди. Бўтало лой ва сув арауша иккаламиниз гоҳ сувга ботиб, гоҳ юзага чиқиб дарёнинг ичида оқиб борар эдик. Ўлдим, деб ўйладим. Икки юз, уч юз метрлар шу зайлда оқдик. Бир пайт дарё оқизиб келган катта дарахт бизнинг жонимизга оро кирди. Дарахт устига тирмашиб чиқиб жон сақладик. Кейин бизни кутқаришди.

Йигирма ёшида Амин Вафоев “Маданият” колхозидан партия комитетининг котиби бўлиб ишлади.

Кейин уни Тошкендаги Олий партия мактабига ўқишга юборишди. 1965 йили олий партия мактабини томонлаб келгач, партия давлат назорати комитети идорасига раҳбар, Гурлан тумани партия ижроия комитети раиси ва бошқа раҳбарлик лавозимларида фаолият олиб борди.

У 1972 йили Тошкентга, ўша даврдаги Республика раҳбари Шароф Рашидов хузурига тасдиқдан ўтиш учун боради. Шунда Шароф Рашидовнинг айтган бир оғиз сўзи ҳали ҳамон ёдимда, – дейди Амин ака: – Ука, сизга бир маслаҳатим бор. Ҳамма вақт ҳалол, пок бўлинг, инсофли бўлинг. Агар мана шу ўғитларимга қулоқ солсангиз, ҳеч қачон ишсиз, уйсиз қолмайсиз, – деган эди.

Гурлан туманида ижроия кўмитаси раиси вазифасида саккиз йил ишлагач, Амин ака “Коммуна” хўжалигига раис этиб тайинлашди. “Коммуна”да 12 йил ишлайди. Вилоятда энг катта хўжаликлар сирасига кирувачи “Коммуна”ни ҳақиқий намунага айлантиради. Мустақиллик даври бошлангач,

хўжаликнинг номи “Намуна”, деб ўзгартирилади.

Мустақилликнинг илк кунлари эди. Амин ака вилоят ҳокими (ўша даврдаги ҳоким Маркс Жуманиёзов) хузурига чақирди.

– Аминбой, сени Гурланга ҳоким этиб қўйсам, нима дейсан? Тажрибанг бор, – дейди Маркс Жуманиёзов Аминбой аканинг энгига қўлини қўйиб.

– Ёшулли “Намуна”да ҳам бинойидек ишлаб юрибмангўй, – дейди, Амин ака сал эйин босмай Гурлан шеvasида.

– Биламан ишлаб юргангини, “Коммуна”ни ҳақиқий “Намуна”га айлантирдик, энди тумани кўтаришда бор раҳбарлик салоҳиятини ишга солди.

Шундай қилиб Амин Вафоев 56 ёшида туманга ҳоким этиб тайинланди ва энг шимариб ишга киришди. У туманининг иқтисодини кўтаришда бор раҳбарлик салоҳиятини ишга солди.

1500 нафар кишини иш билан таъминлаб келаётган Гурлан текстел комбинатини қуриш ҳам ўша даврларга тўғри келди. Комбинат қурилиши зарбдор қурилиш деб эълон қилинди. Бино қурилишига бутун Гурлан аҳли хашарга чиқди. Бунда албатта, раҳбарнинг салоҳияти, тажрибаси қўл келди.

Амин Вафоев туманга раҳбарлик қилган йиллари ҳар йили давлатга пахта ва ғалла сотиш режалари ошириб бажарилди. Туманга 6 йил ҳокимлик қилгач, нафақага чиққан Амин Вафоевни икки ой ўтар-ўтмас “Қиличбой” канали бошқармасига раҳбар этиб тайинлашди. У ерда ҳам 8 йил фаолият олиб борди.

Амин Вафоевнинг 50 йиллик қилган самарли меҳнатлари давлатимиз томонидан муносиб тақдирланди. Бугун унинг кўксини давлатимизнинг орден-медаллари безаб турибди.

Болтабой
МАТҚУРБОНОВ

ЯПОНИЯ БИЛАН ҲАМКОРЛИКДА “САКУРА ИФОРИ” НОМЛИ ФИЛЬМ ЯРАТИЛАДИ



ва ҳаммуаллифларни жалб этиш таклифлари ўртага ташланди. “Сакура ифори” – тўлиқ метраж-

ли тарихий-бадий фильм бўлиб, мураккаб постановкаларда яратилади. Фильмда Иккинчи жаҳон

уруши вақтида собиқ иттифоқ томонидан қамоққа олинган япон аскарлари ҳақида ҳикоя қилинади. Ғоя муаллифи ва режиссёр Акбар Бектурдиев.

Учрашувда мазкур фильмнинг суратга олиш жараёни, дастлабки актёрлар таркиби, фильм сметаси ва техник гуруҳ мутахассислари бўйича режалар тузилди.

“Сакура ифори” – Ўзбекистон ва Япония ҳамкорлигидаги фильм бўлиши кутилмоқда. Эндиликда лойиҳага япониялик режиссёр, ҳаммуаллиф ва инвесторлар жалб этишга келишилди.

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ 7 ТА ЙЎНАЛИШДА РИВОЖЛАНТИРИЛАДИ

Жорий йилнинг 4 октябрь куни Қишлоқ хўжалиги вазирлиги вазири Жамшид Ходжаев бошчилигидаги Республика ишчи гуруҳи Қорақалпоғистон Республикасида Президент Ш.Мирзиёев томонидан белгилаб берилган топшириқлар ижросини таъминлаш бўйича ҳудудлар салоҳияти ва имкониятларидан келиб чиқиб, соҳани жадал ривожлантириш, мавжуд ресурслардан оқилона фойдаланиш, ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланишдаги муаммоларни бартараф этиш мақсадида мутасаддилар билан мулоқотда бўлиб, соҳада олиб борилаётган ишлар билан танишди.

Учрашувда Нукус туманини иқтисодий-ижтимоий ривожлантириш, ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш ҳамда мева-сабзавотчилик иқтисослаштириш юзасидан ишчи гуруҳ аъзолари билан фикрлашиб, мавжуд муаммоларни бартараф этиш бўйича аниқ вазифалар белгилаб олинди.

– Нукус туманининг қишлоқ хўжалигидаги янги ўсиш нуқтаси, аввало, ер майдонларини фойдаланишга киритишдир, – дейди вазир Ж.Ходжаев. – Республика туманлари салоҳияти ва имкониятларидан келиб чиқиб, соҳада ўсишни таъминловчи драйверлар сифатида 7 та йўналиш танланди. Пахтачилик, ғаллачилик ва шолчилик йўналишлари аънавий ўсиш нуқталари этиб белгиланган бўлса, ерларни оборотга киритиш, кунжут, помидор етиштириш, замонавий иссиқхоналар ташкил этиш йўналишлари янги ўсиш нуқталари сифатида белгиланди.



НУКУС ТУМАНИ МЕВА-САБЗАВОТЧИЛИККА ИҚТИСОСЛАШТИРИЛАДИ

Нукус туманида 1 165 гектар пахта майдонлари тўлиқ қисқартирилиб, ўрнига экспортбон озик-овқат экинларини жойлаштириш ишлар олиб борилмоқда. Айти пайтда Қишлоқ хўжалиги вазири Ж.Ходжаев бошчилигида туманни ривожланишининг асосий йўналишларини белгилаш юзасидан дастур ишлаб чиқиш бўйича вазирлик, тизимдаги агентликлар раҳбар ва ходимлар ҳамда илмий муассасалар олимларидан иборат 20 кишилик ишчи гуруҳи ўз фаолиятини бошлади.

Дастлабки таҳлиллар бўйича туман иқтисодининг асосий ўсиш нуқталари сифатида мева-сабзавотчилик ва узумчилик, иссиқхона хўжаликлари, хизмат кўрсатиш соҳаларини ривожлантириш йўналишлари белгилаб олинди.

Нукус туманини 2020-2022 йилларда комплекс ривожлантириш бўйича қиймати 399,2 млрд. сўмлик 84 та лойиҳани амалга ошириш ва 936 та янги иш ўринлари яратиш режалаштирилган. Жумладан, қишлоқ хўжалиги йўналишида жами қиймати 286,3 млрд. сўмлик 44 та, жумладан, 169 га.

майдонда интенсив боғ ташкил этиш бўйича 6 та, 1 021 тонна узум маҳсулотини қайта ишлаш бўйича 1 та, 61 га. майдонда замонавий иссиқхоналар ташкил этиш бўйича 12 та, мева-сабзавотчилик кластерлари ташкил этиш бўйича 2 та, 97 тонна балиқ маҳсулотларини етиштириш қувватига эга 13 та, 1 059 бош насли моллар олиб келиш бўйича 10 та лойиҳа амалга оширилади.

2021 ЙИЛДА ҚОРАҚАЛПОҒИСТОНДА 34,4 МИНГ ТОННА КУНЖУТ ДОНИ ЕТИШТИРИЛАДИ

Келгуси йилда қиймати 5,0 млрд. сўм бўлган қуввати 1,0 минг тонналик кунжутни қайта ишлаш корхонаси ташкил этилиб, қайта ишлаш қувватлари 26,2 минг тоннага етказилади.

2020 йилда жами 10 минг га. кунжут экилди. Ушбу майдонлардан 10 минг тонна ялли ҳосил етиштириш шундан 8,1 млн. АҚШ долларилек 4,3 минг тонна маҳсулот экспортга йўналтирилиши кутилмоқда. Бугунги кунда 24,7 минг тонна қувватга эга 6 та кунжут донини қайта ишловчи корхоналар фаолият юритмоқда.

Жорий йил якунига қадар Беруний туманида “Оловуддин гунжи” корхонаси томонидан қиймати 1,1 млрд. сўмлик қуввати 500 тонна кунжутни қайта ишлаш лойиҳаси ишга туширилади.

Бундан ташқари, соҳада илмий салоҳиятни ошириш, уруғчилик, етиштириш, қайта ишлашга илмий ёндашни тадбиқ этиш мақсадида “Мойли экинлар селекцияси, уруғчилик ва агротехнологияси бўйича илмий станция” ташкил этилади.

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги Ахборот хизмати.

Тошкент вилояти

ШОЛИ ҲОСИЛИ КЛАСТЕРНИНГ ЎЗИДА ҚАЙТА ИШЛАНАДИ

“ТСТ Rice” масъулияти чекланган жамиятида етиштирилган бу йилги шоли ҳосили кластернинг ўзида тўлиқ қайта ишланади. Бунинг учун Қуйи Чирчиқ туманидаги “Сурум” МФЙ ҳудудида қиймати 14 миллиард сўмлик лойиҳа – “Шолини қайта ишлаш ва сақлаш мажмуаси” бунёд этилди.

Ҳозир кунда лойиҳа доирасида замонавий заводни қуриш ва зарур технологик ускуналарни ўрнатиш ишлари якуний босқичга етди. Яъни Туркиянинг “Yashar Makina” компаниясида олиб келинган 1,697 минг евролик ускуналар хорижий мутахассислар томонидан ўрнатилмоқда. Мазкур завод соатига 10 тонна, мавсум давомида эса 15 минг тонна шолини қуриш ва қайта ишлаш қувватига эга.

Ҳадемай фойдаланишга топширилаётган ушбу заводда 41 та янги иш ўрни яратилади.



НУРАФШОН НИДЕРЛАНДИЯЛИК САРМОЯДОРЛАРНИ ҚИЗИҚТИРМОҚДА

Нурафшон шаҳар ҳокими Қ.Ҳакимов Нидерландия давлатининг “Lumidea Engineering B.V” компанияси раҳбари Эшреф Ўзшаҳин бошчилигидаги инвесторларни қабул қилди.

Учрашувда меҳмонларга Нурафшон шаҳрида бугунги кунда амалга оширилаётган ишлар, истиқболдаги лойиҳалар ҳақида маълумот берилди.

Ўз навбатида хорижий меҳмонлар ҳам иқтисодий-ижтимоий соҳаларга оид долзарб лойиҳаларга қизиқиш билдириб, бу борада ўз тақлиф ва мулоҳазаларини билдиришди. Самимий ва дўстона ўтган учрашувда томонлар бир қатор янги лойиҳаларни ҳамкорликда амалга оширишга келишиб олдилар.



БАРЧА КЎРСАТКИЧЛАР 30 ФОИЗГА ОШИРИБ БАЖАРИЛАДИ

Бунинг учун мавжуд барча имкониятлар сафарбар этилади

Бугун халқ депутатлари Навоий шаҳар Кенгашининг навбатдан ташқари ўн биринчи сессияси бўлиб ўтди. Унда дастлаб Президентимиз раҳбарлигида жорий йил 24 сентябрь куни бўлиб ўтган видеоселектор йиғилишида ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражасини баҳолашнинг рейтинг кўрсаткичлари натижасига кўра “яхши” баҳоланган Навоий шаҳрининг жорий йил якунига қадар барча кўрсаткичларини 30 фоизга ошириб бажариш ва келгуси йилнинг биринчи ярмида эришилаётган мақсадли кўрсаткичлар, муддатлар ва масъул ижрочилари акс эттирилган амалий чора-тадбирлар дастури тўғрисидаги масала кўриб чиқилди.

Кун тартибидagi ушбу масала юзасидан шаҳар сектор раҳбарларининг ҳисоботлари эшитилди.

Шунингдек, сессия ишида Навоий шаҳрида маҳалла фуқаролар йиғинлари фаолиятини жорий йилнинг 1-ярим йиллиги бўйича рейтинг натижалари ва фуқаролар йиғинларида ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш, мавжуд муаммо ва камчиликларни бартараф этиш, шаҳар Аҳоли бандлигига кўмаклашиш маркази томонидан аҳоли бандлигини таъминлаш ва ижтимоий қўллаб-қувватлашга доир вазифалар ижроси юзасидан амалга оширилган ишлар ҳам муҳокамалар марказида бўлди.

Бундан ташқари, сессияда шаҳарда атроф-муҳитни

Қашқадарё вилояти

ТАДБИРКОР ЮҚОРИ САМАРАЛИ УСКУНА ОЛИБ КЕЛДИ

Пандемия даврида иқтисодиёт тармоқларини ривожлантириш ва барқарорлигини сақлаб қолиш мақсадида ҳукуватимиз томонидан тадбиркорларга қўллаб-қўллаш ҳамда преференциялар тақдим этилмоқда.

Биргина Қашқадарё вилояти божхона бошқармаси томонидан жорий йилнинг ўтган даври мобайнида ташқи иқтисодий фаолият субъектлари томонидан амалга оширилган импорт учун божхона тўловлари бўйича 795 миллиард 585 миллион сўм микдорда божхона имтиёзлари қўлланилди.

Маълумки, бугунги кунда Қашқадарё вилоятида йирик саноат ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи корхоналар фаолият юритмоқда. Ушбу корхоналар нафақат вилоятимиз, қолаверса, мамлакатимизнинг иқтисодий салоҳиятини янада оширишга ўз ҳиссаларини қўшмоқда.

Мисол учун, “Чирочиқ истиқлол паррандачилик” масъулияти чекланган жа-

муҳофаза қилиш, аҳолининг саломатлиги, санитария эпидемиологик осойишталигини таъминлаш бўйича жисмоний ва юридик шахслар томонидан амалга оширилган ишлар ҳолати ҳамда Навоий шаҳрида Ўзбекистон Республикасининг “Давлат тили ҳақида”ги (янаги таҳрир) ҳамда “Реформа тўғрисида”ги Қонунларнинг ижроси юзасидан ўтказилган ўрганишлар якунлари тўғрисидаги масала ҳам атрофлича кўриб чиқилди.

Қолаверса, сессияда Навоий шаҳридаги ўрта махсус ва иқтисослаштирилган таълим муассасаларида 2020/2021 ўқув йили бошланиши жараёнларига тайёргарлик ҳолати, мавжуд карантин қоидаларига риоя этилган ҳолда дарс машғулотларининг ташкил этилиши, таълим муассасаларини санитария-гигиеник воситалари билан таъминлаш борасида амалга оширилган ишлар юзасидан масъулларнинг маърузалари депутатлар эътиборига ҳавола этилди.

Сессияда вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари О.Ҳасанов ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Сенати аъзоси Ж.Ҳаджаев иштирок этди ва сўзга чиқди.

Сессия якунида кун тартибидagi барча масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Отабек АСПОНОВ,
“Qishloq hayoti” муҳбири.

ЎЗБЕКИСТОНГА ИЛК БОР ИТАЛИЯДАН ОЛИБ КИРИЛГАН ЗАЪФАРОН ЭКИЛДИ

Жорий йилнинг 6 октябрь куни Италиянинг Брешиа шаҳридан 5 миллион дона заъфарон (*Strocus sativus*) пиезбошлари ортилган бир нечта юк автомобиллари Ўзбекистонга етиб келди.



Юкнинг умумий ҳажми 64,5 тоннага тенг бўлиб, у 6800 километрик масофани Евроосиёнинг 6 давлати: Словения, Венгрия, Польша, Россия ва Қозғистон ҳудудларидан ўтиб Ўзбекистонга етиб келди. Қолган 75 миллион донасининг ҳам яқин кунларда етиб келиши кутилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 10 апрелдаги “Ёввойи ҳолда ўсувчи доривор ўсимликларни муҳофаза қилиш, маданий ҳолда етиштириш, қайта ишлаш ва мавжуд ресурслардан оқилона фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4670-сонли қарори ижроси доирасида ташкил этилган “BMB - OPERA ZAFFERANO” кластери Ўзбекистон Республикасининг Италиядаги элчихонаси кўмағида Жиззах вилояти Бахмал туманида заъфарон етиштириш ва уни қайта ишлаш бўйича Ўзбекистон-Италия инвестициявий лойиҳасини амалга оширмоқда.

“Заъфарон кластерида куливария, фармацевтика ва бошқа соҳаларда юқори талабга эга тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш учун қўшимча ишлаб чиқариш қувватларини яратиш режалаштирилмоқда.

Лойиҳанинг ютуқларидан бири шундан иборатки, дастлабки йилдаги қайта ишланиб, қадоқланган маҳсулот Италиянинг “GEOS GROUP” холдинги таркибидagi “GESFARM” компаниясига кафолати экспорт қилинади. Жумладан, ушбу компания билан 12 млн. еврога олдиндан заъфарон етказиб бериш тўғрисидаги шартнома имзоланган.

Шуни таъкидлаш лозимки, қимматбаҳо ўсимликнинг аъло навли пиезбошлари асрлар давомида Италия селекционерлари томонидан яратилиб келинган ва илк бор айнан мамлакатимизда етиштирилади.

Маълумот учун, республикаимизда доривор ўсимликлар етиштириш, қайта ишлаш ва экспорт қилишда 2020-2023 йиллар давомида ташкил этиладиган 14 та кластерларнинг манзилли рўйхатлари тасдиқланган.

Ўз муҳбиримиз.

БУХОРОДА ЎҚУВЧИ-ЁШЛАРНИ КАСБ-ХУНАРГА ЎРГАТИШНИНГ ЯНГИЧА ТИЗИМИ

Ҳозирги кунда Бухоро вилояти бўйича солиқ органларига бириктирилган 4-секторларда 18 ёшдан 30 ёшгача бўлган жами 106 700 нафар ёшлар бор.

Таъкидлаш лозимки, ушбу ёшларни билим олишга қизиқтириш, уларни ўзлари қизиққан касб ёки хунарга йўналтириш ҳамда тадбиркорлик қилиш истаги бўлган ёшларга тиргак бўлиб, бизнесини юрийтиб юборишга кўмаклашиш мақсадида сектор ишчи гуруҳи томонидан тизимли ишлар олиб борилмоқда.

Хусусан, ҳудуддаги умумтаълим мактабларида ўтилаётган меҳнат дарсларини амалиёт билан боғлаш мақсадида мактабнинг меҳнат дарслари, ошхоналари ҳамда бўш турган хоналарига тадбиркорларни белул жойлаштириб, тадбиркорлар ва ўқувчилар ўртасида “Устоз-шогирд” аънаси асосида 7-11-синф ўқувчиларига хунарга ўргатиш тизими йўлга қўйилмоқда.

– Яқинда 4-сектор раҳбарининг тақлифи билан дурадгорлик цехини Қорақўл туманидаги “Шакарбек” маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида жойлашган 36-умумтаълим мактабига кўчирдим, – дейди уста Комил Оймуродов. – Айни пайтда ёғочдан ясалган маҳсулотларимизни буюртмачиларга шу ердан етказиб бермоқдамиз. Буюртмаларимиз 7-11-синф ўқувчиларига дарс бериш жараёнида тайёрланмоқда.

– Мактабимизда “Устоз-шогирд” аънаси асосида 7-11-синф ўқувчилари



рига янгича йўналишда хунарга ўргатиш тизимини йўлга қўйганимиз ўзининг ижобий натижаларини беришига ишонманман, – дейди Қорақўл туманидаги 36-умумий таълим мактаби директори Исомиддин Тоғайев. – 4-сектор ташаббуси билан меҳнат дарси хонаси ўрнида ташкил этилган дурадгорлик устахонасида 7-11-синф ўқувчиларимиз белгиланган кун ораллигида ишлаб чиқариш жараёнини кўриб, хунарга ўрганишлари йўлга қўйилди.

Айтиб ўтиш жоиз, айна пайтда ёшлар уста Комил Оймуродов билан бирга ёғочдан стол-стуллар, кичик

жовонлар ҳамда бугунги кунда талаб ортиб бораётган асалари қутилари ва рамкаларини ясашни ўрганмоқдалар. Бунинг учун тадбиркорга шогирд тарбиялагани учун ҳар ойда иш ҳақи бериш тизими ҳам йўлга қўйилган.

Туманининг “Катмунтуғди” маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудидаги 29-мактабда эса тадбиркор Норбой Раҳмонов нон ва нон маҳсулотларини ишлаб чиқариш цехи фаолиятини йўлга қўйиб, белгиланган график асосида ёшларга ўзининг тадбиркорлик сирларини ўргатмоқда. Бу ерда ёшлар ҳозирча уч хил турдаги нон ва нон маҳсулотларини

ишлаб чиқариш жараёнини ўрганиш билан бирга ўзлари ҳам ишлаб чиқариш иштирокчиси бўлишмоқда.

Ушбу умумтаълим мактабнинг яна бир бўш биноси шу ерлик тадбиркор Ибोधон Розимовга ижара тўловисиз берилган. Ибोधон Розимовнинг айтишича, тикув цехини мактаб биносига кўчирганидан хурсанд, негаки бу ерда унинг мижозлари анча ортибди.

Бу ерда эътиборимизни тортган яна бир жиҳат – тадбиркорнинг тикув цехи мактабнинг меҳнат дарси хонасидан тубдан фарқ қилади. Янгича услубдаги ушбу тизим орқали тадбиркор мактабнинг 7-11-синф ўқувчи қизларига ўз иш жараёнини амалиётда кўрсатиб бермоқда. Худди шундай, туманининг “Истиқлол” маҳалла фуқаролар йиғинидаги 34-мактабда ҳам тикувчи Норжон Саидова 7-11-синф ўқувчи қизларига тикувчилик сирларини ўргатмоқда.


Қорақўл туманининг энг чекка ҳудуди бўлган “Жигачи” маҳалла фуқаролар йиғинидаги 30-мактабда ҳам ўқувчиларини хунарга ўргатиш чора-тадбирлари бошлаб юборилган. Айни пайтда бу ерда аёллар сартароши Садоқат Жалилова қизларга ўз касби сирларини ўргатмоқда. Яқин келажақда ушбу мактабда дурадгорлик ва чилангарлик цехлари ҳам ташкил этилади.

Хулоса қилиб айтганда, олиб борилаётган саъй-ҳаракатлардан кўзланган асосий мақсад, ўқувчиларни касб-хунарга ўргатишга кўмаклашишдир. Бу эса бугунги ўқувчиларнинг ўзи танлаган хунарини келгусида мустақил давом эттириб кетишлари учун замин яратилаётганидан дарак беради.

Вилоят ДСБ Матбуот хизмати.

СУРХОНДАРЁДА ГАЗ ХЎЖАЛИГИ ҚИШГА ҚАНДАЙ ТАЙЁРГАРЛИК КЎРМОҚДА?

Сурхондарё вилоятида иқтисодиёт тармоқлари, уй-жой фонди, ижтимоий соҳа ва ишлаб чиқариш инфратузилма объектлари 2020-2021 йилги куз-қиш мавсумига пухта ҳозирланмоқда.



“Худудгаз Сурхондарё” газ таъминоти филиали газ хўжалиги тизимининг қишли-қировли кунларда барқарор ишлашини таъминлашга алоҳида эътибор қаратмоқда. Бунинг учун табиий газ тақсимлаш пунктлари ва газ қувурларини текшириш,

эскирган газ қувурларини мукамал таъмирлаш ва реконструкция қилиши белгиланган режа асосида олиб борилмоқда.

Маълумотларга кўра, жорий йилда 6,6 километр масофадаги газ қувурларини мукамал таъмирлаш,

3,32 километр табиий газ қувурини реконструкция қилиш кўзда тутилган.

Шу кунгача 1,2 километр газ қувури мукамал таъмирланиб, 1,3 километри реконструкция қилинди. 11 та табиий газ тақсимлаш пункти сифатли таъмирдан чиқарилиб, синовдан ўтказилди. Газ қувурларни ҳаво босими ёрдамида зичликка синаш ва тозалаш, қувурларни буяш ишлари ҳам бир маромда давом этмоқда.

– Шунингдек, 2020-2021 йилларда табиий газ истеъмолчиларига табиий газни ҳисобга олиш ва назорат қилишнинг автоматлаштирилган тизимини жорий этиш борасидаги ишлар қизғин паллага кирди, – дейди “Худудгаз Сурхондарё” газ таъминоти филиали матбуот хизмати ходими А.Машрабов. – Вилоятда 111 минг 365 та табиий газ истеъмолчиларига замонавий ҳисоблагични ўрнатиш режалаштирилган. Ҳозир биринчи навбатда яқка тартибдаги турар-жойларга ўрнатилаётир. Шу кунгача 15 мингдан ортиқ хонадонга “ақлли”

электрон газ ҳисоблагич ўрнатиб берилди.

Вилоятда қиш фаслида табиий газга уланган аҳоли хонадонларини газ билан узлуксиз таъминлаш муҳим вазифалардан бири сифатида белгилаб олинган. Шунга мувофиқ Термиз шаҳри ва туманларда соҳа мавсумга сифатли тайёрланаётир. Жумладан, Термиз туманида 7 минг 137 хонадон табиий газдан фойдаланади. “Termiztumangaz” бўлими мавсумга тайёргарлик юмушлари доирасида иккита газ тақсимлаш пунктини мукамал таъмирлади. 157 дона юқори ва ўрта босимли газ тақсимлаш пунктини техник тафтишдан ўтказиб, тозалади. Газ қувурларини босим остида зичликка синаб, ҳаво босими ёрдамида тозалаш, ер ости қувурлари ҳолатини прибор усули билан текшириш ишлари давом эттирилмоқда.

Бу борада амалга оширилаётган барча юмушлар қиш фаслида газ хўжалигининг барқарор ишлашини таъминлаб, аҳолининг совуқ кунларни кўнгалдагидек ўтказишини таъминлашга йўналтирилгани билан аҳамиятлидир.

Ҳолмўмин МАМАТРАЙИМОВ,
ЎЗА

Хоразм вилояти

Ҳар бир ҳудуднинг фидойи инсонлари бўлади. Улар элнинг тўймаъракаси борми, ҳашари борми, дарҳол енг шимариб, ишга киришиб кетади. Бундай инсонларни одамлар жуда яхши кўришади. Ахир, тўғриси айтганда, элга бундай одамлар керакда.

ФИДОЙИЛИК ФАРҲОДЖОНГА ХОС

ФАРҲОДЖОН
НАФАСОВ АНА
ШУНДАЙ ИНСОНЛАР
СИРАСИГА КИРАДИ.
ЭЛ ИШИГА
ДАХЛДОРЛИК
ҲИССИ УНГА
ОТАСИ ҚАЛАНДАР
ИНЖИНЕРДАН
ЎТГАН БЎЛСА
АЖАБМАС. АХИР,
РАҲМАТЛИ
ҚАЛАНДАР
НАФАСОВ БУТУН
УМРИНИ ЭЛ
ИШИГА БАХШИДА
ЭТГАН КАТХУДО
ИНСОНЛАРДАН ЭДИ.
ФАРҲОДЖОН ҲАМ
ОТАСИ СИНГАРИ
ЭЛДОШЛАРИНИНГ
ЯХШИЮ ЁМОН
КУНЛАРИДА ТИК
ТУРАДИГАН ЙИГИТ.



У Янгиариқ туманининг Қармиш қишлоғидаги “Қаландар инжинер” пахта ва ғаллачиликка ихтисослашган фермер хўжалигини бошқариб келади. Фермер хўжалиги Президентимизнинг эътиборларига ҳам тушган. Давлатимиз раҳбари Халқ депутатлари Хоразм вилояти кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида сўзлаган нутқида “Пахтачилик соҳасида, айниқса, Янгиариқ туманидаги “Қаландар инжинер”, Хонқа туманидаги “Шерзод Отаниёзов”, Боғот туманидаги “Ёқуб бобо ўғли Омон”, “Холмурод ўғли Мансур”, Қўшқўпир туманидаги “Муаттар” фермер хўжаликлари

гектаридан ўртача 45-55 центнердан пахта ҳосили етиштиргани таҳсинга сазовордир”, деган эдилар.

Фермер хўжалиги фаолиятини дастлаб 2005 йилда икки гектар тутчиликдан бошлаган Фарҳоджон Нафасов деҳқончилик қилаётган ер майдони жорий йилга келиб 73 гектарга етказилди. Унинг фермер хўжалиги ҳар йили пахта ва ғалладан мўл ҳосил етиштириб, тумандагина эмас балки вилоятда олдингилар қаторида йиллик режаларини уддалаб келади. Бу йил ҳам худди шундай бўлди, 44,5 гектар майдондан 150 тонна пахта топшириб йиллик режани адо этди. Бугўйдан ҳам мўл ҳосил олиниди. Давлат оморларига 45 тонна дон топширилиб, режа ошиғи билан уддаланди.

Фермернинг ўғиллари Фаррухбек, Нодирбек, Мардонбойлар унинг қўш қанотларидир. Улар турмуш ўртоқлари билан биргаликда хўжалик ишларини бамаслаҳат олиб боришади. Шунингдек, Муборак Маткаримова, Навбахор Ўрозметова, тракторчилардан Йўлдош Авазметов, Қудрат Тожиев, иш бошқарувчи Рўзмамат Сиддиқов, Саодат Болтаеваларнинг меҳнатидан фермер ҳар доим миннатдор.

– Отам ҳар доим хайир қил, эл билан бўл, элдан чиқма, кам бўлмайсан, дердилар, қўлдан келганича шунга амал қилман, – дейди Фарҳоджон Нафасов. Дарвоқе, Фароҳод Нафасов айна пайтда фермер хўжалигини кўп тармоқли қилиш устида иш олиб бораётир. У балиқчилик, асаларичилик, чорвачилик ва паррандачилик соҳаларини ривожлантириш ниятида.

– Мавсумдан бошлаб опа-сингилларим Фазилят, Нуқулжон, Насибалар билан оилавий теримда қатнашяпмиз, – дейди илғор теримчи Азиза Болтаева. – Ҳар куни 100-120 килограмдан пахта терапмиз. Терим пуллари ўз вақтида бериб бориляпти.

Айни кунларда деҳқонлар келгуси йил бугўйдой ҳосили учун яхши ниятлар билан далага уруғ сочди. Эрта экилган далаларда уруғ ниш урди. Бу эса келгуси йили доннинг мўл-кўл бўлишидан далолатдир.

Пандемия шароитида қийнаиб қолган Шеробод маҳалласидаги ҳамқишлоқларига кўмак беришни ўзининг инсонийлик бурчи деб билан фермердан маҳалладошлари миннатдор.

– Отам ҳар доим хайир қил, эл билан бўл, элдан чиқма, кам бўлмайсан, дердилар, қўлдан келганича шунга амал қилман, – дейди Фарҳоджон Нафасов.

Дарвоқе, Фароҳод Нафасов айна пайтда фермер хўжалигини кўп тармоқли қилиш устида иш олиб бораётир. У балиқчилик, асаларичилик, чорвачилик ва паррандачилик соҳаларини ривожлантириш ниятида.

Болтабой МАТҚУРБОНОВ,
“Qishloq hayoti” мухбири.

ФЕРМЕР ВА ДЕҲҚОН ХЎЖАЛИКЛАРИ, ТОМОРҚА ЕР ЭГАЛАРИ ДИҚҚАТИГА!



«ЧИРЧИҚ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ТЕХНИКАСИ ЗАВОДИ» АЖ

Қуйидаги қишлоқ хўжалиги техникалари сотилишини маълум қилади:



Манзил: 111714, Тошкент вилояти Чирчиқ шаҳри Алишер Навоий шоҳ кўчаси 92-уй.

Мурожаат учун телефонлар: (+998 70) 716-21-58, (+998 97) 737-68-15.

e-mail: chzsxt@mail.ru

Хизматлар лицензияланган.

Маҳсулотлар сертификатланган.



АЗИЗ ЮРТДОШЛАР!

Мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислохотлар, хусусан, қишлоқ жойлардаги улкан бунёдкорликлар, одамлар онгу тафаккуридаги ўзгаришлар, қишлоқ ҳаётининг жонли манзаралари билан танишиш истагида бўлсангиз,

“Qishloq hayoti”

ГАЗЕТАСИ УЧУН 2021 ЙИЛГА ОБУНА БЎЛИШГА ШОШИЛИНГ!

Бунинг учун обуна уюштирувчи ташкилотларга, шунингдек, тахририятнинг ўзига ҳам мурожаат этишингиз мумкин.

НАШРИМИЗ ИНДЕКСИ – 144

МУРОЖААТ УЧУН ТЕЛЕФОНЛАР: 236-26-50, 233-44-43, 233-28-04. ФАКС: 233-44-43. E-mail: info@qishloqhayoti.uz

“ASIA ALLANCE GROUP” МЧЖ (СТИП:301581124) ўз устав фондини 13 156 690 469,17 сўмдан 7 089 457 171,62 сўмгача камайтиришини маълум қилади. Тел: (+998 78) 113-45-55.

Фарғона вилояти Тошлоқ тумани Навоий кўчаси 67-уйда жойлашган Фарғона вилояти Тошлоқ тумани Давлат хизматлари маркази томонидан 2020 йил 25 сентябрда 000124 рақам билан қайта руйхатдан ўтган “ТЕКСТИЛ POSTAVKA” масъулияти чекланган жамиятини (ИНН 207156809) “SARDOBA TEKSTIL” МЧЖга бирлаштириш шаклида қайта ташкил этилишини маълум қилади. Даъволар эълон чоп этилган санадан бошлаб 1 ой муддатда (71) 230-90-18 телефон орқали қабул қилинади.

Сирдарё вилояти Оқолтин тумани Тошкент кўчаси 1-уйда жойлашган Сирдарё вилояти Оқолтин тумани Давлат хизматлари маркази томонидан 2019 йил 4 июлда 110 рақам билан қайта руйхатдан ўтган “SARDOBA TEKSTIL” масъулияти чекланган жамиятини (ИНН 302497116) “ТЕКСТИЛ POSTAVKA” МЧЖга бирлаштириш шаклида қайта ташкил этилишини маълум қилади. Даъволар эълон чоп этилган санадан бошлаб 1 ой муддатда (71) 230-90-18 телефон орқали қабул қилинади.

“CASH U MIKROKREDIT TASHKILOT” МЧЖнинг 2019 йил 22 июнда Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан берилган № 62 рақамли лицензияси йўқолганлиги сабабли бекор ҳисобланади. Маълумот учун: 78 113-31-11, 78 113-31-14.

“Ўзсувқурилиш” акциядорлик жамияти жамоаси бошқарув раисининг ўринбосари в.в.б
Эргаш ТАЖИЕВнинг вафоти муносабати билан унинг оила аъзолари ва яқинларига ҳамдардлик билдиради.

Qishloq hayoti

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси
таркибидagi ҳамда бошқа
дахлдор вазирлик ва
идоралар.

Бош муҳаррир:
Чори ЛАТИПОВ

Ҳабиб ТЕМИРОВ
(Бош муҳаррир
ўринбосари)

Раимкул СУЯРОВ
(Бош муҳаррир
ўринбосари)

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Жамшид ХЎЖАЕВ,
Шавкат ҲАМРОЕВ,
Шухрат ТЕШАЕВ,
Муҳаммаджон
ТОШБОЛТАЕВ,
Ақтам ҲАИТОВ,
Ботир СУЛАЙМОНОВ,
Маҳмуд ТОИР.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2009 йил 13 февралда № 0020-рақам билан руйхатдан ўтказилган. Буюртма Г-1025, ҳажми 3 босма табоқ. Офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-3.
Манзилимиз: 100000, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
1 977 нусхада чоп этилди. НАШР ИНДЕКСИ – 144.

Телефонлар: Қабулхона – 236-26-50. Аграр масалалар бўлими – 236-26-47.
Хатлар ва жамоатчилик билан алоқалар бўлими – 233-76-78. **Факс** – 233-44-43, 233-09-93.
Реклама ва эълонлар – 236-26-50, 233-28-04. e-mail: info@qishloqhayoti.uz

Газета “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди.
Манзили: “Буюк Турон” кўчаси, 41-уй. 1 2 3 4 5 6

Баҳоси келишилган нарҳда.
ISSN 2010-7021

7 7 2 0 1 0 7 0 2 0 0 7
Босишга топшириш вақти: 21.00
Босишга топширилди: 22.30